

РҮЙХАТГА ОЛИНГАН
469-1-сон
2018 йил 24-ны



"ТОВАРЛАР ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИ ХАРИДЛАРИНИ
ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА УТКАЗИШ ТҮРРИСИДА" ГИ
НИЗОМ

ТОШКЕНТ - 2018

I. УМУМИЙ БЎЛИМ

1. Мақкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 09 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ти Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги "Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини кўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ти ПҚ-3487-сон ва 2018 йил 20 февралдаги "Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер хужжатлари ва контрактларни экспертиздан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти ПҚ-3550-сон Қарорлари ҳамда банк Бошқарувининг 2018 йил 21 майдаги 145-сонли байённомасига асоссан ишлаб чиқилган.

2. Мақкур Низом АТ "Алоқабанк" тизимида (бундан бўён матнда "Банк") товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишни ташкиллаштириш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

II. НИЗОМДА ИШЛАТИЛГАН АСОССИЙ ТУШУНЧАЛАР ТАЪРИФИ

3. Харидлар - товарларни (ишларни, хизматларни) Банк томонидан пулли асосда олиш.

4. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилинишини таъминлаш бўйича Комиссия - бу банк томонидан тузиладиган ва уларнинг раҳбари томонидан бошқариладиган банкнинг коллегial органи.

III. НИЗОМНИ АМАЛ КИЛИШ ДОИРАСИ

5. Банк жорий ишлаб чиқариш фаолиятида ишлаптиладиган, суммасидан қатъий назар, энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали, банкда тузилган Харидлар комиссиялари томонидан баҳоланадиган ускуналар, хомашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни, шунингдек ишлар ва хизматларни харид қилиш, шу жумладан, импорт шартномаларини тузиш хукуқига эга.

6. Шартнома суммаси 50 000 АҚШ доллари эквивалентидан юкори бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сон қарорида белгиланган талабларни инобатта олинган ҳолда амалга оширилади.

7. Банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги "Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини кўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ти ПҚ-3487-сон қарорига мувофиқ стратегик харидор бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ти Конунининг 1-моддасига мувофиқ ушбу конун нормалари унга амал қўпмайди.

8. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ти Конуни нормалари стратегик харидорга амал қилмаса ҳам ушбу конун нормаларига мувофиқ амал қилишини тақиқламаганлиги сабабли, Банк ушбу низомда назарда тутмилган ҳолларда қонун нормаларида белгиланган талаблар билан ишлashi мумкин.

9. Ушбу Низом ёки Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ти Конуни талабларига мувофиқ ўтказиш ҳар бир харид бўйича алоҳида ҳал этилади.

10. Ушбу низомда назарда тутмилган ёки Комиссия лозим деб топганида танловлар маҳсус ишлаб чиқигандиган комиссия томонидан тасдиqlangan регламент асосида ўтказилади.

IV. БАҲОЛАШ МЕЗОНИ ВА ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИГА ТААЛЛУКЛИ ҚОИДАЛАР
11. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харидларига тааллукли баҳолаш мезонлари:

- а) нарҳ;
- б) етказиб бериш базиси;
- в) етказиб бериш муддатлари;
- г) тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари;

д) түлөв ва кафолаттар шартлари;
е) муйайн даврда фойдаланиш, эксплуатация килиш ва таъмирлаш

харажатларини назарда тутади.

V. ТОВАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИ ЎТКАЗИШ АСОСЛАРИ

12. Давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш

учун Банк очик ахборот маннапаридағи маълумотларидан фойдаланади.

13. Товарлар (ишлар, хизматлар) етказиз берувчини танлаб олишида имкон кадар камидаги 3 (үч) та танлов иштирокчиларнинг таклифларини солишириган ҳолда амала оширилади.

VI. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛARI ТАКЛИФЛАРИНИ КУРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ

14. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид килиш Низомнинг 11-бандида келтирилган мезонлар асосида ўрганиб чиқилиб энг мақбулини аниклаш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилинишини таъминлаш бўйича комиссия томонидан баҳоланади.

15. Келиб тушган таклиф ва эълонлар орқали олинган маълумотлар умумлаштирилиб, ушбу Низомнинг 11-бандида келтирилган мезонлар бўйича ўрганиб чиқилиб, согишириш орқали улар орасидан энг макбули танлаб олинади.

16. Агар таклифни киритган танлов иштирокчиси ушбу Низомда белгиланган талабларга мос келмаса, ёхуд танлов иштирокчисининг таклифи танлов хужжатлари талабларига мос келмаса, Харидлар комиссияси таклифи рад этади.

17. Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборот ишончлиги аниқлаштирилган тақдирда, Харидлар комиссияси бундай иштирокчини харид килиш тартиб-таомилдининг исталган босқичида танловда иштирок этишдан четлатишига ҳакли.

18. Товарлар (ишлар, хизматлар) харид килиш бўйича танловларда Низомда кўрсатилган муддатларда танловда белгиланган микдорда таклифлар келиб тушмаганда ёки оммавий ахборот воситалари ёхуд бошқа манбалардан товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақида маълумотлар топилмаганида тақорорий танловлар ўтказилиши Комиссия томонидан белгиланган маҳсус регламент асосида тақороран ўтказилади.

VII. ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИ ХАРИД ҚИЛИНИШНИ ТАЛЬМИНЛАШ БЎЙИЧА КОМИССИЯ

19. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид килиш, шу жумладан, импорт шартномаларини тузиш суммасидан қатъий назар барча харидлар банкда ташкил этилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилинишини таъминлаш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда Харидлар комиссияси деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

20. Танлов шартнома харид суммасидан қатъий назар, баҳолаб энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали амалга оширилади.
21. Харидлар комиссияси ишининг асосий мақсади иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолашдан ва давлат харидлари энг яхши таклифларни солишириган ҳолда ғолиби (ғолибларни) аниқлашдан иборат.

22. Харидлар комиссияси қўйидаги вазифаларни бажаради:
танлов (тендер) хужжатларини келишиади;
таклифлар кабул қилинадиган муддатларни белгилайди;
таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;
таклифларни баҳолаш тартибини белгилайди;
таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;
харид килиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишини амалга оширади;
малака танловини ўтказади, агар танлов (тендер) хужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

харид қилиш тартиб-таомиллариниң қонун хужжатларига мувофик амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг ракобатлашув турлари ижрочисини ва захира ижрочисини белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

23. Харидлар комиссияси таклифни баҳолаш ва таққослаш усулини ҳамда мезонларини, шунингдек давлат харидларини амалга ошириш усулини танлаш тартибини ва уларнинг тартиб-таомилини белгилайди;

24. Харидлар комиссияси Банк Бошқарувининг қарорига асосан ташкил этилади, шакллантирилди ҳамда тугатилади.

25. Харидлар комиссияси камидаги 7 кишидан иборат таркибида тузилади.

26. Харидлар комиссияси зарурият юзасидан ийғилади.

27. Харидлар комиссияси тайинланган аъзоларининг камидаги 2/3 қисм аъзолари йигилишда иштирок этган тақдирда Комиссия ваколатли ҳисобланади.

28. Харидлар комиссияси таклифларнинг энг мақбулини танлаш жараёнида таклифларни йўллаган шахслар билан шартнома шартлари бўйича музокаралар олиб бориш хукуқига эга.

VIII. ИШЧИ ГУРУХ

29. Товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш бўйича танловлар Низомнинг 7-бандида келтирилган мезонлар асосида ўрганиб чиқилиб, таклифларнинг энг мақбулини аниқлашда Харидлар комиссиясининг ишчи гурухи масъул ҳисобланади. Харидлар комиссияси ташкил этиш мақсадида комиссия қарори билан ёки Бошқарув раисининг бўйруги билан ишчи гурух ташкил этилиши мумкин.

30. Агар комиссия қарорида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса Харидлар комиссиясининг ишчи гурухи - Ишлар бошқармаси ҳисобланади.

31. Банкка товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш бўйича зарурат бўлган холларда Ишлар бошқармаси интернет саҳифасида эълон орқали жойлаштириб, оммавий ахборот воситалари ёки интернет тармоқидан керақли маълумотларни олади ва Харидлар комиссиясининг ишчи гурухига хужжатларни топширади.

32. Харидлар комиссиясининг ишчи гурухи Ишлар бошқармаси томонидан тақдим қилинган харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га оид маълумотларни интернет ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали олинган маълумотлар билан солиширади.

33. Харидлар комиссияси ишчи гурухи товарлар (ишлар, хизматлар)ни солишища маҳсус билимлар талаб этилган ҳолларда Банкнинг тегишили таркибий тузилмасини ёки бошқа экспертларни жалб қилишга ваколатли.

34. Харидлар комиссияси ишчи гурухи барча келиб тушган тақлифлар ва йигилган эълонларни умумлаштириб, Харидлар комиссиясининг йиғилиш кун тартибига киритади.

35. Харидлар комиссияси ишчи гурухи кун тартибига киритилган масалалар бўйича Комиссия йиғилиши баённомасини расмийлаштиради ва баённома қарорларини тегишили масалага масъул бўлган ижро қилади.

36. Харидлар комиссияси ишчи гурухи комиссия қарорларини ижро қилади ва унинг якуннада тегишили хужжатларни урнатилган тартибда архивга топширади.

IX. ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ШАРТНОМА ТУЗИШ

37. Танлов якунлари бўйича танланган шахс билан шартнома шартлари бўйича музокаралар олиб боради.

38. Музокаралар натижасига кўра шартнома лойихаси ишлаб чиқилади.

39. Харидлар комиссиясининг қарори, шунингдек шартнома лойихаси юзасидан Юридик хизматнинг хуносаси имзоланишига асос бўлиб ҳисобланади.

40. Шартнома нотариал тасдиқланиши лозим бўлган ҳолларда шартнома лойихаси ўрганиш учун Юридик бошқармага топширилмайди.

41. Шартнома давлат руҳхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳолларда шартнома имзоланганидан сўнг узоги билан 20 кун ичida шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулоғат
Мулоғат

Філіял №3 Академічної бібліотеки

Бошқарув аъзолари:

мактаг Фиджиний интибасини ишга табо анибада
жойлашган интибаси чи тоғлини тараби тараби
шартнамат мактаби анибада интибаси
табодиган. Ишсоюз "Ишсоюз" интибаси тараби
интибаси чи тоғлини тараби тараби чи тоғлини тараби

Х.Рахматов 

Ш.Искандаров 

Н.Насретдинова 
Х.Буронов 

А.Абдукахаров 
Н.Абдиганиев 
Х.Буронов 

Х.Буронов 
А.Абдукахаров 
Н.Абдиганиев 
Х.Буронов 

Х.Буронов 
А.Абдукахаров 
Н.Абдиганиев 
Х.Буронов 

Х.Буронов 
А.Абдукахаров 
Н.Абдиганиев 
Х.Буронов 

Х.Буронов 
А.Абдукахаров 
Н.Абдиганиев 
Х.Буронов 

Х.Буронов 
А.Абдукахаров 
Н.Абдиганиев 
Х.Буронов 